



ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 7 май куни Оқсаройда мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Америка Қўшма Штатлари Давлат котибининг биринчи ўринбосари Уильям Бёрнс қабул қилди.

Учрашувда ўзаро ҳамкорлик сиёсий, иқтисодий, гуманитар ва икки томон учун манфаатли бўлган бошқа соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани таъкидланди.

Турли соҳаларда мунтазамлик касб этган мулоқотлар, жумладан, икки мамлакат парламентлари ва ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасидаги изчил алоқалар томонлар учун самарали ва конструктив ҳамкорликни қарор топтириш имконини бермоқда.

Учрашувда савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда АҚШ компаниялари иштирокида тузилган 190 корхона фаолият юритмоқда. Уларнинг 53 таси тўлалигича хориж капитали асосида ташкил этилган. Мамлакатимизда АҚШдаги 40 етакчи корпорациянинг ваколатхоналари очилган.

Сўхбат давомида минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар муҳокама қилинди. Минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, хусусан, Афғонистондаги вазият юзасидан фикр алмашилди.

Уильям Бёрнс самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, АҚШ раҳбарияти бундан буён ҳам Ўзбекистон билан турли соҳаларда ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

(ЎЗА)

Касб ва мутахассислик фестивали

БАРКАМОЛ АВЛОДНИНГ НУРЛИ ЙЎЛИ

Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш, умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларининг академик лицей ва касб-хунар коллежларига қабул қилинишини самарали йўлга қўйиш, ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари битирувчиларини касбга йўналтириш, ўқишини давом эттириш ва иш билан таъминлашга қўмаклашиш мақсадида шаҳримиз туманларида «Касб ва мутахассислик» фестивали ўтказилмоқда.



Жумладан, Ўзбекистон Миллий боғи, Бобур, Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғлари ҳамда Тошкент иқтисодиёт коллежида Чилонзор, Яккасарой, М.Улуғбек ва Юнусобод туманларидаги мактаблар битирувчилари иштирокида фестивалнинг туман босқичлари бўлиб ўтди.

Тадбирда таълим муассасалари, ўқув марказлари, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофа-

за қилиш марказлари, корхона ва ташкилотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакиллари, ўқитувчилар, ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари иштирок этди. Бундай тадбирлар албатта, келгусида ёшларнинг ҳар томонлама етук мутахассис сифатида камол топиши ва уларнинг ишга жойлашиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

(Давоми 4-бетда)

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



САНОАТИМИЗ САЛОҲИЯТИНИНГ НАМОЙИШИ

«Ўзэкспомарказ»да Қишлоқ ва сув ҳўжалиги, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва истеъмол товарлари масалалари ҳамда Ахборот тизимлари ва телекоммуникация масалалари комплексларининг тармоқ саноат ярмаркалари бошланди.

Тадбирлар Президентимиз Ислон Каримовнинг 2007 йил 12 ноябрда қабул қилинган «Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада кўчатириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониغا мувофиқ ташкил этилди.

Ўзбекистонда 2014 йилнинг биринчи чорагида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 8,9 фоиз, жумладан, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 12,8 фоиз ўсди, саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажмида истеъмол товарлари улуғи 2013 йилнинг шу давридаги 29,5 фоиздан 34,4 фоизга ўсишига эришилди.

Саноатнинг ривожланиши мамлакатимизда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, кооперация алоқаларини кенгайтириш, барқарор шериклик муносабатларини ўрнатish, юртимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга бўлган талабни рағбатлантириш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли ишларнинг самарасидир.

Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржа айнан шу мақсадларга хизмат қилмоқда. Тадбирларнинг биринчи босқичи доирасида Қишлоқ ва сув ҳўжалиги, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва истеъмол товарлари масалалари ҳамда Ахборот тизимлари ва телекоммуникация масалалари

комплексларининг тармоқ саноат ярмаркалари бўлиб ўтмоқда.

Тадбирларда «Ўзпахта-саноат» уюшмаси, Озик-овқат саноати корхоналари уюшмаси, «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, «Ўзагрошсервис» уюшмаси, «Ўздоммаҳсулот» акциядорлик компанияси, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси таркибига қирадиган 160 корхона иштирок этмоқда.

Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги корхоналари экспозицияси кенглиги билан ажралиб туради. «Сув-маш» очик акциядорлик жамияти, «Бухоро МТЗ» давлат унитар корхонаси, «Биродар» шўъба корхонаси, «Урама сальник» ва «Мегарезинапласт» масъулияти чекланган жамиятлари каби «Сувиншоотмаш» уюшмасига аъзо ўттиздан ортик корхона эъз турдан зиёд саноат маҳсулотини тақдим этди. Ўтган йили соҳа корхоналари томонидан қўйилган 17 миллиард сўмлик шартномалар тузилган эди. Бу йил бу кўрсаткич 42 миллиард сўмга етиши кутилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

9 май — Хотира ва қадрлаш куни

ФАҲРИЙЛАР ВА ЁШЛАР УЧРАШУВИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси, Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши, Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда уруш ва меҳнат фахрийлари, «Ватанпарвар» ташкилоти ходимлари, Тошкент бирлашган техник мактаби курсантлари иштирок этди.

«Ватанпарвар» ташкилоти маркази Кенгаши раисининг ўринбосари М.Умаров Президентимиз раҳнамолигида ўтганларни хотирлаш, кекса авлод вакилларига алоҳида эҳтиром ва ғамхўрлик кўрсатиш, юртдошларимизнинг фидокорона меҳнатини муносиб баҳолашга катта эътибор берилаётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 18 апрелда қабул қилинган «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги

Ўзбекистон мудофаасига қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти марказий кенгашида 9 май — Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган «Уч авлод учрашуви» маданий-маърифий тадбири бўлиб ўтди.

Фармони бунинг ёрқин исботидир.

Нуроний отахон ва онахонларнинг бой ҳаётий тажрибаси, қимматли ўғитлари ёш авлоднинг Ватанга садоқат, буюк келажакка ишонч руҳида камол топишида муҳим аҳамият касб этаётди. Учрашувда уруш ва меҳнат фахрийлари ўзларининг навқирон йигитлик йилларига тўғри келган Иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейинги даврларда бошидан кечирган қийинчиликлар ҳақида сўзлаб берди. Мустақиллик, тинчлик-осойишталик ҳалқимизнинг бебаҳо бойлиги экани, унинг қадрига етиш ва асраб-авайлаш зарурлигини таъкидлаб, истиқлол

йилларида эришилган ютуқлар ҳақида сўз юритди.

«Ватанпарвар» ташкилоти ёшларни армия сафларида хизмат қилишга жисмоний, техник ва руҳий тайёрлашга салмоқли ҳисса қўшмоқда, ёшларнинг маънавий камолотга етиши, уларда ирода ва қатъият шакллантириш, жанговар ва маънавий руҳини мустаҳкамлашга катта аҳамият бермоқда. «Уч авлод учрашуви» каби маданий-маърифий тадбирлар айнан шундай эзгу мақсадларга хизмат қилаётди.

Тадбирда уруш ва меҳнат фахрийларига эсдалик совғалари топширилди.

Сардор ТОЖИЕВ,
ЎЗА мухбири



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Андижонда фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Андижон шаҳар бўлими, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси вилоят кенгаши ҳамкорлигида «Озод юртининг обод гўшалари» деб номланган тадбир ўтказилди.

● Бухоро шаҳрида «Юксак маънавият авлод» республика ёшлар фестивалининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда туман ва шаҳар босқичларидан сараланган 243 нафар ёш иштирок этди.

● Андижонда «Ўзбекистондаги иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий жараёнлар ёшлар нигоҳида» республика кўрик-танловининг минтақавий босқичи бўлиб ўтди.

● Ҳар йили май ойининг биринчи ҳафтасида Халқаро сайёқлар куни кенг нишонланади. Шу муносабат билан Қорақалпоғистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Устюртда сайёқлар популяцияси, уларни муҳофаза қилиш мавзусида давра суҳбати ўтказди.

● Ургут тиббиёт коллежида «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси юзасидан «Маънавият оиладан бошланади» мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилди.

ЖАҲОНДА

● Мексика туризм соҳасини ривожлантириш учун 14 миллиард АҚШ доллари миқдорида сармоа йўналтиради. Ажратилган маблағ сайёхлик инфра-тузилмасини такомиллаштириш, хусусан, янги туристик йўналишлар ташкил этиш, аэропортларни модернизациялаш, автомобиль йўллари қуриш ва реконструкция қилишга сарфланади.

● Фармацевтика саноатида фаолият юритувчи «Бауер» (Германия) компанияси шу йўналишга ихтисослаштирилган «Merck» (АҚШ) компаниясининг рецептсиз бериладиган дори-дармонлар ишлаб чиқариш бўлимини сотиб олмоқчи. Харидор бунинг учун 14,2 миллиард АҚШ долларидан воз кечишга тайёр.

● Бир гуруҳ операторлар Перуда қадимий астрономик мажмуани топишди. Умумий майдон 40 квадрат километрга тенг бўлган ушбу комплекс пойтахт Лимадан 200 км. узоқда, мамлакатнинг жанубий соҳилларидаги Чинча-Альта шаҳрида жойлашган. У бундан 2300 йил муқаддам барпо этилгани тахмин қилинапти.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** Олмазор туманидаги Республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатида 9 май

— Хотира ва қадрлаш кунига бағишлаб маданий-маърифий тадбир ўтказилди.

✓ **БУГУН** Миробод туманидаги Фурқат номли истироҳат боғида ўрта махсус, касб-хунар таълими

ўқув юртлари битирувчиларини касбга йўналтириш мақсадида «Таълим ва мутахассислик» мавзусида кўргазма ташкил этилди.

✓ **ЭРТАГА** Гафур Гулом номидаги маданият ва истироҳат

боғида «Биз буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остида хаваскор ижрочи хонандалар ўртасида «Офарин» деб номланган кўрик-танлов бўлиб ўтади.

ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Пойтахтимизда 7 май куни Ўзбекистон — Малайзия савдо-иқтисодий ҳамкорлигига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирда икки мамлакатнинг таъкидланган алоқалар, савдо-саноат, сармоя, нефть-газ, банк-молия, сугурта, сайёҳлик, логистика, экспорт-импорт, таълим ва бизнес-консалтинг каби соҳалар учун масъул вазирлик ҳамда идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси таъкидланган алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири Элёр Ғаниев, Малайзия Бош вазирининг ўринбосари, таълим вазири Мухиддин бин Хажо Мухаммад Яссин Ўзбекистон ва Малайзия ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар асосида, ўзаро манфаатдорлик ва ишонч руҳида изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Малайзия Ўзбекистоннинг Жануби-Шарқий Осиёдаги муҳим ва ишончли ҳамкорларидан. Мамлакатларимиз ўртасида савдо-сармоя, икки томонлама солиққа тортишнинг олдини олиш, ҳаво транспорти катнови, илм-фан, маданият, сайёҳлик, табиий ресурсларни ўзлаштириш каби соҳаларга оид ҳукуматлараро ва идоралараро битимлар амал қилади. Турли даражадаги учрашувларнинг мунтазамлик касб этаётгани ўзаро ҳамкорлиқни ривожлантиришга икки томоннинг ҳам қизиқиши юқори эканидан далолат беради.

Ўзбекистон билан Малайзия ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми йил сайин ошиб бормоқда. 2013 йилда бу борадаги кўрсаткич 2012 йилдагига нисбатан 3,6 фоиз ўсди. Мамлакатимизда малайзиялик сармоядорлар билан ҳамкорликда тузилган, нефть-газ, тўқимачилик ва кимё саноати, электр техникаси маҳсулотлари ишлаб чиқариш, савдо, туристик ва молиявий хизматлар кўрсатиш каби соҳаларга иқтисослаштирилган 17 қўшма корхона фаолият юритмоқда. Малайзиянинг етти компанияси юртимизда ўз ваколатхонасини очган.

«Ўзбекнефтегаз» миллий холдинг компанияси Малайзиянинг «Petroneas» корпорацияси билан ҳамкорликда геология-қидирув ишлари, нефть ва газ конларини ўзлаштириш борасида йирик лойиҳаларни амалга оширмоқда. Хусусан, Шўртан газ-кимё мажмуасида тайёрлаб чиқарилган метан газидан синтетик суюқ ёнилғи тайёрлаб чиқарган завод куриш бўйича йирик қўшма

лойиҳа амалга оширилмоқда. Ўшбу лойиҳа асосида барпо этилган «Oltin yo'l GTL» заводи келгусида дунёдаги саноқли корхоналардан бири бўлади. Унда синтетик суюқ ёнилғи — суюлтирилган газ, авиакеросин ва «премиум класс» тоифасидаги, яъни Евро-4 стандартидан кам бўлмаган дизель ёнилғиси ишлаб чиқариш режалаштирилган.

Тадбирда Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида олиб борилаётган кенг қўламли иқтисодий ислохотлар натижасида мамлакатимиз иқтисодиёти барқарор ривожланаётгани қайд этилди. Юртимизда яратилган қулай сармоявий муҳит, хорижий сармоядорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган имтиёзлар, афзалликлар ва кафолатлар тизими чет эллик ишбилармонларнинг Ўзбекистон билан ҳамкорликка қизиқишини тобора ошираётгани таъкидланди.

— Ўзбекистон ишбилармонлари билан нефть-газ, қурилиш, логистика каби қатор йўналишларда фаол ҳамкорлик қилиш тарафдоримиз, — деди ЎЗА мухбирига Мухиддин бин Хажо Мухаммад Яссин. — Мамлакатларимиз ўртасида тўғридан-тўғри экспорт-импорт алоқаларини ривожлантириш ниятидмиз. Мазкур анжуман давлатларимизнинг ўзаро сармоявий ва савдо-иқтисодий ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

Мехрибонларга мамлакатимизда иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш борасида олиб борилаётган ислохотлар, «Навоий» ва «Ангрен» иқтисодий зоналарида яратилган қулайлик ва имкониятлар тўғрисида маълумот берилди. Шунингдек, Малайзиянинг иқтисодий ривожланиши ва сармоявий муҳити ҳақида сўз юритилди.

— Компаниямиз юқори сифатли оптик маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланиди, — деди «Bolton Optical» компанияси бош ижрочи директори Сим Энг Пенг. — Ўзбекистон билан мазкур соҳада ҳамкорлик қилиш имкониятлари катта.

Ўшбу тармоққа сармоя киришини режалаштираямиз. Шу кунги Ўзбекистоннинг қатор компания ва корхоналари ҳамда Малайзия ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида кооперацион биржа бўлиб ўтди.

Ирода УМАРОВА

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Корхонамиз Марказий Осиёда насос, электр машиналари, электр насос агрегатлари ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарадиган ягона корхонадир, — дейди «Сувмаш» очик акциядорлик жамиятининг савдо хизмати директори Камолддин Бакиров. — Бу маҳсулотлар қишлоқ хўжалиги, сув ва газ таъминоти учун мўлжалланган. 2001 йилда Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган корхона бугунги кунда 47 турдаги ускуна ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. 2013 йилда тармоқ саноат ярмаркаси доирасида тўққиз миллиард сўмлик шартнома имзоланган эди. Бу корхонага ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва

нингдек, айна пайтда ишлаб чиқариши ўзлаштирилаётган маҳсулотлар намунасини тақдим этган. Улар орасида «Пахта-маш» очик акциядорлик жамияти, «Русарт», «Ижод-ИТМ» масъулияти чекланган жамиятлари, «Самарқанд пахта-маш» очик акциядорлик жамияти ва бошқа корхоналар бор. Ушбунинг инвестиция лойиҳаларини жалб этиш ва амалга ошириш бўлими бошлиғи Ринат Ғуломовнинг айтишича, тармоқ саноат ярмаркалари ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини ривожлантириш учун янги имкониятлар очиб беради. Жорий йилда соҳа корхоналари пахта тозалаш заводларида технологик ускуналар, бўғловчи ва эҳтиёт қисмлар етказиб бериш учун 22 миллиард сўмлик шартнома тузишни режалаштирмоқда.

САНОАТИМИЗ САЛОҲИЯТИНИНГ НАМОЙИШИ

маҳсулотни экспорт қилиш қўламини кенгайтириш имконини бери.

Айниқса, Озёк-овқат саноати корхоналари уюшмаси стенди кўчма қўламли уйғотмоқда. Уюшма бугун ёғмо, гўшт-сут, консерва маҳсулотлари, спиртли ичимликлар, шакар ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқараётган 180 корхонани ўз таркибида бириштирган.

Озёк-овқат саноати корхоналари уюшмасининг маркетинг бошқармаси бошлиғи Нигора Тулаганованинг сўзларига кўра, бу гагги ярмаркаларда элиқанд зиёд корхона иштирок этиб, саксон турдан ортқ маҳсулотини намойиш этаётир. Хусусан, «Маселко» қўшма корхонаси қуюқлаштирилган сут, турли хил сариёғ, «Тошкент сифат сут» масъулияти чекланган жамияти бир неча турдаги пишлоқ, творог маҳсулотлари ва йогуртни намойиш этмоқда. Жорий йилда соҳа корхоналари қиймати 27 миллиард сўмлик шартнома тузишни режалаштирган.

«Ўзпахтасаноат» уюшмаси экспозицияси ҳам диққатга сазовор. Унинг таркибига қирадиган корхоналар мазкур ярмаркаларда саккиз йилдан бунён фаол иштирок этиб келмоқда. Бу йилги ярмаркаларда йиғирмадан зиёд корхона етмиш турдан ортқ халқ истеъмол товарлари, шу-



Мехрибон МАМЕТОВА,
ЎЗА мухбири

Яккасарой туманидаги 25-сонли имконияти чекланган болалар учун иқтисослаштирилган мактабда болажонларнинг шаҳар миқёсидаги меҳнат байрами бўлиб ўтди.

Таълим

БИЛИМ ВА МЕҲНАТ КЎНИКМАЛАРИНИ ОШИРИШДИ

Таъкидлаш жоизки, имконияти чекланган болалар учун меҳнат байрами, бу — мактаб ўқувчиларининг устозлардан олган билим ва меҳнат кўникмаларининг намойиши бўлиб, аввало у ҳар бир мактаб миқёсида ўтади. Бу йил ҳам шу йўналишдаги мактабларда меҳнат байрамлари ўтказилиб, совринли ўринни эгаллаганлар тадбирнинг шаҳар босқичда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

25-сонли мактаб жамоасининг Тошкент шаҳар миқёсидаги «Кувнок экспресс» номли «Меҳнат байрами»га тайёргарлик кўриши 2013 йил апрель ойидан эстафетани қабул қилиб олган кундан бошланган. 2013 йил ёзда мактабнинг мукамал таъмирланиши меҳнат байрами олдидан ўзига хос сова бўлди. Байрамга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича ишчи гуруҳи тузилди. Шаҳардаги шу йўналишдаги иқтисослаштирилган мактабларга ўқитувчилар бириктирилди. Байрам ўтатиш кунини мусоқа садолари остида қўйиб олинган шаҳар мактаблари директорлари, ўқувчилари, жамоатчилик вакиллари ва бошқа меҳмонлар мактаб байрам руҳига, мавзусига мос

баҳорнинг турли-туман гуллари, байроқчалари билан безатилганлигининг ғувоҳи бўладилар. Бу ерда биз мактаб ўқувчилари томонидан «Устоз-шогирд» тизимида тайёрланган деворий газеталарида меҳнат, ҳар бир касб шарафларининг қўраси. Меҳнат байрамида «Соғлом бола йили»га бағишланган расмлар кўргазмаси ҳам ташкил этилди. Экспозициядан байрамда қатнашаётган мактабларнинг ўқувчилари меҳр билан чизган, соғлом турмуш тарзи акс этган болалар сиймолари ўрин олди.

Мактабнинг фаоллар залида Алишер Навоий номли опера ва балет театри солистлари йиғилганларни ўз рақс дасталари орқали байрам билан табриқладилар. Азиз Ражабий, Бахтиёр Раҳмонов каби санъат усталарининг шўх-шодон қўшиқлари

болаларга кўтаринки руҳ бағишлади.

Тадбир давомида мактаб ўқувчилари томонидан касблар бўйича тайёрланган, «Кувнок экспресс» станцияларда деб номланган хоналарда тикувчилик, пазандачилик, темирчилик, дурадгорлик касблари бўйича танлов бўлиб ўтди. Тадбирда «Ким бўлсам экан?» мавзусида шаҳардаги 12 та мактаб жамоалари томонидан тайёрланган фильмда акс этган ошпазлик, каштанчилик, тикувчилик, нововий, авточилангар, тикувчи, сартарош, дурадгор, қўламазорлаштирувчи, стилист, чилангар каби касблар тақдироти ҳам ўтказилди.

Тадбирнинг фаол қатнашчилари ва ташаббускорларига соғвонлар ва ташаккурномалар топширилди.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Ишбилармонларни қўллаб-қувватлаш, қулай бизнес муҳитини яратиш борасида бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинган. Бунинг натижасида тадбиркорлик субъектлари сони ортиб, ишлаб чиқаришдаги сифат ва ҳажм кўрсаткичлари кескин ошди.

— ОАТБ «Капиталбанк» Термиз филиали томонидан тақлиф этилган кредит турлари ва унда қўрсатилган шартлар бизга жуда маъқул бўлди, — дейди «Abbosbek-Asilbek» оилавий корхонаси раҳбари Юсуп Шаманов. — Фаолиятимизни кенгайтириш ҳамда нон ва нон маҳсулотларини ишлаб чиқа-

сбазавот ва полиз экинлари, мевали дарахтлар мўл ҳосил бериб келмоқда. Жорий йил февраль ойида фермер хўжалиги ОАТБ «Капиталбанк» Самарқанд филиалидан 200 миллион сўм миқдоридан кредит олиб, фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтиришни мақсад қилимоқда. Банкдан олинган молиявий қўмак ҳисобига узумчилик боғларини кенгайтириш ва ҳосилдорлигини ошириш учун зарурий жиҳозлар ва эҳтиёт қисмлар сотиб олинди. Бунинг натижасида бир неча янги иш ўринлари юзага келди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ОАТБ «Капиталбанк» томонидан тадбиркорлик субъектларига ажратилаётган кредитлар замонавий технологияларни жалб қилган ҳолда сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш билан бир қаторда хизмат кўрсатиш тизимининг ривожланишига ҳам катта ҳисса қўшмоқда.

— Банкнинг Фарғона филиалидан 55 миллион сўмлик кредит олиб, икки қаватли савдо дўконини ва зарурий жиҳозларни сотиб олди, — дейди «Jahongirov Ilmdor» оилавий корхонаси раҳбари Илмдор Жаҳонгиров. — Оилам ва бир неча ишчи билан аҳолига сервис хизматлари кўрсатиб келмоқдамиз. Юртимизда жуда самарали ишбилармонлик муҳити яратилган. Эътироф этиш лозимки, банклар томонидан биз тадбиркорларга аёло даражада хизмат кўрсатишмоқда. Бунинг натижасида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг ҳар бир йўналишида юқори натижаларга эришилмоқда. Албатта, буларнинг бари мамлакатимиз раванқига хизмат қилади.

Абдували СОДИКОВ

ИҚТИСОДИЁТ РИВОЖИНИНГ ЗАРУР ОМИЛЛАРИ

Хусусий мулкчиликнинг ўрни ва аҳамиятини янада ошириш, ҳақиқий рақобат муҳитини шакллантириш иқтисодиёт ривожига муҳим аҳамият касб этади. Чунки бу маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, корхоналарнинг рақобатдошлигини ошириш, фонд бозори, хусусан, иккиламчи фонд бозорини жадал ривожлантириш, корпоратив бошқарув тизимини тубдан такомиллаштиришга замин яратади.

Шу боис мамлакатимизда ушбу мақсадга қаратилган қонунчилик янада такомиллаштирилиб, иқтисодиётда давлат иштироки улушини камайтириш, давлат мулкни самарали бошқаришни янада ривожлантиришга йўналтирилган янги меъёрлар ишлаб чиқилмоқда.

Президентимиз Ислон Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ яратилган Ўзбекистон Республикасининг «Давлат мулкни бошқариш тўғрисида»ги қонуни лойиҳаси шулар жумласидандир.

Пойтахтимизда мазкур қонун лойиҳасини янада такомиллаштиришга бағишлаб ўтказилган давра суҳбатида шу ҳақда сўз борди.

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раисининг ўринбосари У.Турдиев, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси аъзоси М.Турсунов ва бошқалар мустақиллик йилларида давлат мулкни самарали бошқариш масалаларини тартибга солувчи етарли меъёрий-ҳуқуқий база шакллантирилганини таъкидлади.

Давлат мулкни билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Фуқаролик, Ер, Солиқ, Уй-жой кодекслари, «Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида», «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида», «Ижара тўғрисида»ги қонунлар ва бошқа ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда давлат мулкни ижтимоий эҳтиёжларни таъминлашга йўналтирилган оммавий мулк сифатида таърифланган. Бироқ давлат мулкни сақлиниши кафолатловчи, уни самарали бошқаришнинг, тасарруф этишнинг, шунингдек, давлатнинг мустақиллигини, хавфсизлигини ва мудофаа қобилиятини таъминлаш учун хусусий мулкнинг давлат томонидан харид қилинишини тартибга солувчи аниқ ва ягона меъёр белгиланмаган.

Шу боис давлат мулкни бошқариш соҳасида айрим муаммолар йўқ эмас. Бундан ташқари, хорижда жойлашган мулкларни бошқариш механизмига, давлатнинг хўжалик жамиятлари, хўжалик бошқарув органларидаги ҳуқуқларига нисбатан давлат мулкни ҳисоби ва уни ҳуқуқий таснифлаш имконияти йўқ.

Шуларни ҳисобга олиб, қонун лойиҳасида давлат мулкни, унга бўлган ҳуқуқларни давлат харид қилиб олган вақтдан бошлаб уларнинг тугатилгунга қадар бошқариш тизимини яратишга эътибор қаратилган. Жумладан, давлат мулкни бошқаришнинг амалга оширувчи давлат органларининг ваколатларини чегаралаш, давлатнинг давлат мулкни бошқариш соҳасида олиб бораётган сиёсати учун жавобгарлигини ошириш, шунингдек, давлат акция пакетларини корпоратив бошқаришнинг ҳуқуқий асослари, давлат мулкни субъектларининг ўзаро муносабатлари, давлат мулкдан самарали фойдаланиш ва унинг сақлинишини таъминлаш бўйича жавобгарлик белгиланган.

Депутатлар, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси масъул ходимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган давра суҳбатида эътироф этилганидек, мазкур қонуннинг қабул қилиниши давлат мулкдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, турли давлат мулкни объектларини бошқаришнинг ягона тизимини яратиш, унинг тузилиши ва таркибини тармоқлар бўйича мақбуллаштириш имконини беради.

(ЎЗА)

КАПИТАЛБАНК

МАҚСАДЛАРНИ БИРЛАШТИРИБ,
МУВАФФАҚИЯТЛАРГА ЭРИШАМИЗ

Шу ўринда айтиш жоизки, бунда тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларига ажратилаётган кредитларнинг ўрни каттадир. Ушбу маблаглар ҳисобидан замонавий технологиялар жалб қилиниб, бозорларимиз ўзимизда ишлаб чиқарилган рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлиб бораётир.

Жумладан, ОАТБ «Капиталбанк» томонидан ҳам банк молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, аҳоли ва хўжалик юртувчи субъектларнинг бўш пул маблагларини банк депозитларига жалб қилишни кўпайтириш, активлар ҳамда кредит портфели сифатини яхшилаш, белгиланган прогноз кўрсаткичларининг бажарилишини таъминлаш мақсадида талай ишлар амалга оширилмоқда.

Жорий йилнинг биринчи чорагида банк томонидан кичик бизнес субъектларига барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан жами 53,5 миллиард сўмлик банк кредитлари ажратилди. Ушбу кўрсаткич ўтган йилни шу даврга нисбатан 15 фоизга кўпдир.

Давлатимиз раҳбарининг озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирларга оид қарори ижросини таъминлаш мақсадида хўжалик юртувчи субъектларга 8,2 миллиард сўм кредит ажратилди.

Термиз шаҳридаги «Abbosbek-Asilbek» оилавий корхонаси озиқ-овқат маҳсулотлари ва яхна ичимликлар чакана савдоси билан шуғулланиб келмоқда. 2011 йилдан бунён фаолият олиб бораётган оилавий корхона ОАТБ «Капиталбанк» миқозларидан бери.

БАНК КРЕДИТЛАРИ РИВОЖЛАНИШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

ришни йўлга қўйиш мақсадида ушбу банкдан 150 миллион сўм миқдордан кредит олди. Бугун ишларимиз ривожланиб кетмоқда. Бундан ташқари, келажакда бир қатор янги лойиҳаларни амалга оширишни мақсад қилганмиз. Бунда албатта, ОАТБ «Капиталбанк» хизматларидан фойдаланамиз.

«Peshkun Patnada Agro» масъулияти чекланган жамияти ҳам бугунги кунда банк билан ўрнатилган ўзаро иқтисодий алоқаларнинг самарали эканлигини таъкидлаб, ОАТБ «Капиталбанк» Самарқанд филиалига ўз миннатдорчилигини билдиради.

Жамият раҳбари Шероз Ҳамроқуловнинг айтишича, ОАТБ «Капиталбанк» Самарқанд филиали хизматидан фойдаланиб келишди. Банк томонидан қўрсатилаётган хизматлар, ажратилаётган кредитлар корхона олдида қўйган мақсадларга эришишда яхши имкониятларни яратмоқда.

«Peshkun Patnada Agro» масъулияти чекланган жамияти қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини еттиштириш ва қайта ишлаш фаолияти билан шуғулланиб келади. Фермер хўжалигининг экин майдонлари ва мавжуд боғларида турли

9 май — Хотира ва қадрлаш куни

ЭЪТИБОР ВА ЭЪТИРОМДАН
НУРАФШОН ДИЛЛАР

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида 9 май — Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган маърифий анжуман бўлиб ўтди.

Унга Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, миллий медиа соҳаси раҳнакчи йўлида узоқ йиллар самарали меҳнат қилган фахрий журналистлар тақдир этилди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори А.Абдуллаев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасидаги ислохотлар жараёнида табаррук ёшдаги юртдошларимизга ҳурмат ва эътиром кўрсатиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 18 апрелда қабул қилинган «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони бу йўналишдаги эътиборнинг амалдаги яна бир ёрқин намунасидир.

Табаррук ёшдаги инсонларга кўрсатилган ҳамжамиятлик миллий журналистикамиз раҳнакчи йўлида фидокорона меҳнат қилган ижодкорларни қадрлаш, уларнинг фаолиятини

ўрганиш, ибратли ҳаёт йўлидан ёшларни Ватанга муҳаббат, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашда кенг фойдаланишда ҳам ўзининг яққол ифодасини топмоқда.

Журналистлар ижодий уюшмаси Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди билан ҳамкорликда фахрий журналистлар ҳолидан хабар олиш, уларнинг саломатлигини мустақамлаш, моддий ва маънавий рағбатлантиришга оид лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда.

Мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси тинчлик, мусавфо осмон, осойишта ҳаётнинг энг олий неъмат эканини яхши англайди, — дейди Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, фахрий журналист Анвар Шомасқудов. — Президентимизнинг пухта ўйланган, узоқни кўзлаган сиёсати туфайли ҳаётимиз тинч, фаровон, жамиятимизда ижтимоий барқарорлик, ўзаро тоғувлик, ҳамжихатлик муҳити таъминланган. Буларнинг барчаси Ватанимизнинг гуллаб-яшнаётгани, жаҳон ҳамжамиятида ўзининг мустақам ўрнига эга эканига асосий омилдир. (ЎЗА)

Хотира ва қадрлаш куни арафасида шахримиздаги барча муассаса ва ташкилотларда Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган ватандошларимизни эслаш, улар хотирасига эътиром кўрсатиш ниятида турли-туман тадбирлар, давра суҳбатлари ташкил қилинмоқда.

МУҚАДДАС ЮРТ
ШУКРОНАСИ

Куни кеча Ўзбекистон тарихи давлат музейида Маънавият ва маърифат Кенгаши, Маънавият тарғибот маркази, маданият ва спорт ишлари Юнусов тўғрисидаги маълумоти, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси ҳамкорлигида «Инсон қадри улуг» — азият, хотираси муқаддас мавзусида уч авлод учрашуви бўлиб ўтди.

Унда уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳарбийлар, фан, маданият соҳалари вакиллари, талаба-ёшлар ва ўқувчилар иштирок этди.

Тадбир доирасида «Ватанимиз севмоқ иймондандир» шиори остида «Юксак маънавиятли авлод» фестивалининг туман босқичи қолиблари ижросида дилбар рақслар ва оҳанрабо кўшиқлар янгради.

Жумладан, «Нихол» мукофоти совриндори Шерзод Ортиқов ва «Долина» эстрада гуруҳи аъзоларининг чиқиши, 21-сонли маданият ва аҳоли дам олиш маркази санъаткорлари ижросидаги дилрабо куй ва кўшиқлар тадбирнинг мазмунли чиқишини таъминлаб берди.

Хотира ва қадрлаш куни ҳар йили мамлакатимизда кенг нишонланаётгани юртимизнинг тинчлиги ва фаровонлиги йўлида қурбон бўлганларнинг ҳаёти, жасоратини ҳамиша ёдда тутиш, кекса авлод вакилларига ҳурмат кўрсатиш, қадриятларимизнинг бардавом ва муқаддас эканлигини таъминлашда муҳим омилдир.

— Ҳар йили Хотира майдоғига ташир буюраман, — дейди Ўзбекистон халқ артисти Азиза Бегматова, — чунки отам урушда ҳалок бўлган. Отам билан боғлиқ хотираларни элас-элас эсласам юрагим ўртаниб кетади, машъум уруш гулдай

болалигимни, отам бағрида ўтказишим керак бўлган вақтларимни тортиб олди. Аммо давлатимиз томонидан шундай инсонларнинг хотирасига кўрсатилаётган ҳурмат-эътибор учун Юртбошимизга бўлган миннатдорчилик туйғуларимиз янада ошади. Халқимиз фаровон яшамокда, дастурхонимиз тўкин, ёшларимиз учун барча имкониятлар эшиги очик, бундан ортиқ бахт борми. Илоҳим, Ватанимиз осмонида ҳамиша тинчлик қабутлари учиб юрсин. Ёшларимиз келажакнинг ҳақиқий жонқуяр фарзандлари бўлиб камолга етсинлар...

— Ватан осойишталиги ва озодлиги йўлида жон фидо этган аждодларимиз ёди ҳамиша қалбимизда, — дейди ҳарбий қисм катта лейтенанти Пўлатжон Умаров. — Юртимиз тинчлигини сақлаш, мустақамлаш, кексаларга ҳурмат кўрсатиш, қадриятларимизни қадрлаш, ёшларни юртга садоқат руҳида камолга етказиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. Шундай жаннатмакон юртда соғ-омон, бахтли ҳаёт кечираётганимиз, бу кунларнинг қадрига етмоғимиз, шу муқаддас заминимизни асраб-авайламоғимиз шарт эканлигини янада теран англайверамиз.

Дарҳақиқат, халқимиз маънавиятини юксалтириш борасида амалга оширилаётган ишлар тарихимизни ўрганиш, урф-одатларимиз ва қадриятларимизни асраб-авайлаш, ёшларни юртга садоқат, истиқлол ғояларига эътиром кўрсатиш руҳида тарбиялашдек эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда. Тадбир сўнггида иштирокчилар учун музей бўйлаб саёҳат уюштирилди.

Гулчеҳра САТТОР кизи

ФАХРИЙЛАР ЭЪЗОЗЛАНДИ

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси томонидан аждодлар хотираси ва боқий қадриятларимизнинг муносиб авлод тарбиясидаги ўрнига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

чигидай асраб-авайлаш масъулияти мужассамлиги, ёшларимизни Ватанга садоқат ва миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашнинг аҳамияти хусусида сўз юритилди.

— Юртбошимиз ташаббуси билан кекса авлод вакилларига кўрсатилаётган эътибор ва ҳамжамиятлик кўнглимизни тоғдек кўтарди, — дейди Иккинчи

жаҳон уруши қатнашчиси, пойтахтимизнинг Ҳамза туманидаги «Янги давр» маҳалласида яшовчи Қодирхўжа ота Йўлдошев. — Бундай рағбат бизга янада тетиклиги бағишлайди. Учрашувларда, ёшлар билан суҳбатларда буни янада кўпроқ ҳис этмоқдамиз.

Б.МЕЛИКУЛОВА,
ЎЗА муҳбири

Тошкент Молия институтида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлдаги «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарори ҳамда «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси йўлида «Хорижда ишлашнинг қонуний асослари ва одам савдосига қарши курашнинг мазмун-моҳиятини ёшларга тушунтиришга қаратилган тарғибот лойиҳаси Концепцияси»нинг ижросини таъминлаш мақсадида олий таълим муассасаларининг «Ёш тарғиботчилар гуруҳи» аъзолари ўртасида «Одам савдоси — давр муаммоси» шиори остида тарқатма материаллар (слайд, видеороликлар) ва презентациялар кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Маълумки, одам савдоси инсоннинг эркинлиги, тенглиги ва шахсий дахлсизлигига путур етказиши, уни хўрлик ва камситишларга дучор қилади. Унинг ортида мажбурий меҳнат, қуллик, мажбурий донорлик каби бир қатор ғаразли қилмишлар ётади. Ушбу тадбирни ўтказишдан ҳам мамлакатимизда сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини ёшларга етказиш, уларни ушбу жараёнларга кенг жалб этиш, фаол фуқаролик ва ватанпарварлик туйғусини камол топтириш, одам савдосига қарши курашиш, ҳўшёрлик ва огоҳликка даъват этиш, юрт тинчлиги, осойишталигига раҳна соладиган, кишиларнинг иймон-эътиқодига путур етказадиган ҳар қандай ғоя ва тушунчага нисбатан курашчанлик муҳитини яратиш каби бир қатор хайрли мақсадлар кўзланди.

Танловлар

ОДАМ САВДОСИ — ДАВР
МУАММОСИ

— Бугунги куннинг глобал муаммосига айланган одам савдосига қарши курашиш бўйича олий ўқув юрти «Ёш тарғиботчилар гуруҳи» аъзоси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти факультет етакчисиман, — дейди Тошкент Педиатрия-тиббиёт институтининг 3-босқич талабаси Алёр Абдувалиев. — Ушбу йўналиш бўйича мактаблар, академик лицей, корхона, ташкилот ва маҳаллаларда иш олиб бораёلمиз. Мақсадимиз фуқароларимиз, ай-

ниқса ёшлар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориб, одам савдосидек иллатнинг олдини олиш, ёшларни теран фикрлашга ўргатиш, уларнинг тафаккурида бўшлиқ вужудга келишига йўл қўймаслик.

— Юнусовод тумани ҳокимлиги ҳузуридаги Одам савдосига қарши курашиш бўйича туман комиссияси томонидан туманда жойлашган барча корхона, ташкилот, таълим муассасаларида тушунтириш-тарғибот ишлари олиб боришмоқда, — дейди

Маънавият тарғибот маркази туман бўлими раҳбари Нигора Абдурахимова. — Тарғибот ишларини янада самарали ташкил этиш мақсадида комиссия аъзоларидан ташқари олий ва ўрта махсус таълим муассасаларининг талаба ва ўқувчиларидан иборат «Ёш тарғиботчилар гуруҳи» ҳам тадбирларда фаол иштирок этиб, бу хайрли ишга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Тадбирда Тошкент Давлат юридик университети, Тошкент Молия институти, Тошкент Педиатрия-тиббиёт институти ва Тошкент Ахборот технологиялари университети талабалари — ёш тарғиботчиларнинг чиқишлари барчада катта қизиқиш уйғотди ва ёшларни одам савдосидан асрашда ижтимоий-педагогик ҳамкорлигини ривожлантиришнинг афзаллигини кўрсатди, кўтарилаётган масалага оид муаммоли вазиятнинг ечимини топишда янги фикрларнинг туғилишига хизмат қилди.

Тадбир сўнггида Маънавият тарғибот маркази туман бўлими томонидан кўрик-танловнинг «Энг яхши нутқ эгаси», «Энг мазмунли слайд», «Энг яхши педагогик маҳорат эгаси» каби бир қатор номинациялари қолиблари муносиб тақдирланди.

Шоира МУХАМЕДОВА

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

МИЛЛИЙ
ҚОНУНЧИЛИК БИЛАН
ТАНИШУВ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан «Ёшларга оид давлат сиёсатининг қонуний асослари» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Унда ҳуқуқшунос олимлар, экспертлар, талаба-ёшлар, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари иштирок этди.

Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси А.Маматов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ҳеч қимдан кам бўлмаган, мустақил ва соғлом тафаккурли, баркамол авлодини вояга етказиш масаласига давлатимиз сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири сифатида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя, маданият ва санъат, маънавий-маърифий соҳаларда қабул қилиниб, ҳаётга кенг жорий этилаётган қонунлар, фармон ва қарорлар, ижтимоий дастурлар нақарон авлоднинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашга, уларнинг қамолотига эътиборни қучайтиришга йўналтирилган билан аҳамиятга моликдир.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ёш авлод таълим-тарбияси, уларнинг қамолоти йўлидаги эзгу савий-ҳаракатларни давр руҳи билан ҳамоҳанг йўлга қўйишда янги босқични бошлаб берди.

Маъзур қарор ижросини таъминлаш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлар дастурининг 4-бандида ёшларни давлат ҳокимияти органлари тизими ва фаолияти билан ақиндан таништириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси, Вазирлар Маҳкамаси, Конституциявий, Олий ва Олий ҳўжалик судлари, ушбу идораларнинг қўйи тизимларида туркум учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил этиш лозимлиги белгиланган.

Шунга асосан ташкил этилган тадбирда талаба-ёшларга Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг аҳамияти, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, суд-ҳўқуқ, ахборот тизимларини ислох этиш, сайлов ҳўқуқи эркинлигини таъминлаш ва бу борадаги қонунчиликни ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантиришга оид жараёнлар хусусида атрафлича маълумот берилди.

Тадбир давомида ёшларнинг миллий қонунчилигимиз, Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси фаолиятига оид саволларига депутатлар, олим ва экспертлар атрафлича жавоб берди.

БЕБАХО
МЕРОСИМИЗ
ЁШЛАР ТАЛҚИНИДА

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими вазирилари, ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда «Номоддий маданий мерос ёшлар талқинида» мавзусида илмий семинар бўлиб ўтди.

Анжуманда таъкидланганидек, Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида халқимиз маънавиятини юксалтириш, миллий меросимиз, анъана ва қадриятларимизни кўз қорачиқдек асраб-авайлаш, уларнинг бардавомлигини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги «2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғибот қилиш ва улардан фойдаланиш давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори бу йўналишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Қарорга мувофиқ, халқ оғзаки ижоди намуналари, ихрочилиқ санъати, урф-одат, маросим ва байрамлар, хушамандликка оид билим ва кўникмалар юзасидан тадиқлотларни қучайтириш, бу жараёнга ёш олимларни жалб этиш, номоддий маданий мерос тарихи моҳиятини очиб берувчи қадимий қўлималарни ўрганиш, фольклор ижрочилиги сақланиб қолган ҳудудларда экспедициялар уюштириш юзасидан тизимли ишлар бажаришмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирилги томонидан номоддий маданий мерос тарғиботи билан боғлиқ ижодий фестивалларни ўтказиш яхши анъанага айланиб қолган. Олий, ўрта махсус ва умумий ўрта таълим муассасаларида «Мерос», «Барҳаёт анъаналар» каби кўрик-танловларнинг доимий ташкил этилаётгани ёшларнинг миллий меросимизга оид билимини тобора бойитишга хизмат қилмоқда. Таълим масканларида номоддий маданий меросни ўрганиш, ўқитувчиларнинг маълака ва ихтисослик соҳасини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— Миллий мусиқа санъатимиз, жумладан, мақом бебаҳо маънавий хазина саналади, — дейди Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг халқ ижодиёти факультети талабаси Ваҳобжон Урозматов. — Мақомнинг инсон саломатлиги, руҳиятига таъсири юзасидан излаш олиб бораёман. Масалан, «Ушшоқ», «Наво» каби оҳанг қилишда ирода, қатъият, шижоатни қучайтиради, «Рост», «Ирок» тингловчи қалбига ҳўзур бағишлайди. «Бўзрук», «Ровий» мақомлари руҳий сокинликка, мушоадага ундайди. Зеро, муштор тароналарнинг саломатликка ижобий таъсири шифокорлар, мусикашунослар ҳамда психологлар томонидан кўп бор эътироф этилмоқда.

Семинарда номоддий маданий мероснинг ёшлар томонидан ўзлаштирилиши билан боғлиқ лойиҳаларда халқаро ҳамкорлик, бой маънавий меросимизнинг таълим даргоҳларида ўрганилиши бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Назokat УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири

Касб ва мутахассислик фестивали



(Давоми. Боши 1-бетда)

— Юртимизда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўлиқ кафолатлаш, уларнинг таълим олиши ва бандлигини таъминлаш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда, — дейди Маънавий тарғибот маркази Яққасарой туман бўлими раҳбари Баҳодир Юсупов. — Келажак авлодни эзгулик ғоялари руҳида тарбиялаш, маънавиятини юксалтириш, таълим сифатини яхшилаш, ҳар томонлама етук инсон бўлиб камолга етишлари йўлида барча шароитларни яратиб бериш давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаси этиб белгиланган. Бугун ҳар бир йигит-қиз ўзи хоҳлаган ўқув муассасасида билим олиши, касб-хунар эгаллаши учун бекиёс имкониятларга эга.

Дарҳақиқат, «Касб ва мутахассислик» лойиҳаси ёшларнинг бу борадаги имкониятларини янада кенгрок ишга солишлари учун қулай шарт-шароитлар яратмоқда.

Ушбу тадбирни ташкил этишдан мақсад пойтахтимиздаги ўқув масканларида мавжуд касб ва мутахассисликлар йўналишлари билан мактаб битиручиларини яқинроқ таништириш ва уларда ўзлари истаган касбни танлашга кўмаклашган ҳолда бандлигини таъминлашдир.

— Мен келажакда мохир созанда бўлмоқчиман, — дейди Яққасарой туманидаги 26-ўрта мактаб-

нинг 9-синф ўқувчиси Фазлиддин Абдураимов. — Ушбу фестиваль биз, ёшлар учун ўқув муассасаларидаги шарт-шароитлар ва мутахассисликлар билан танишиш ва касб танлаш имконини берапти.

— Мен эса чет тиллардан болажонларга сабоқ беришни истайман, — дея суҳбатга қўшилди Яққасарой туманидаги 72-мактаб битирувчиси Админа Ахметшина. — Бундай тадбирларнинг ташкил этилиши ёшларнинг ўз ҳаёт йўллари тўғри танлашлари борасида яна бир имконият эшигидир...

Дарҳақиқат, мамлакатимизда таълим тизимини сифат ва мазмун жиҳатдан янги, юксак поғонага олиб чиқиш, ёшларнинг ўзлари танлаган соҳаларига бўлган қизиқиш ва билимларини янада мустаҳкамлаш, ўқитиш методикасини дунё стандартларига мослаш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Ёшларнинг келажакда ўз соҳаларининг етук мутахассислари бўлиб етишишлари, танлаган касбларини мукамал даражада эгаллашлари учун ав-



БАРКАМОЛ АВЛОДНИНГ НУРЛИ ЙЎЛИ

вало улар кўнот билан ўқишлари, изланишлари лозим. Бу каби ўтказилаётган тадбирлар негизда ёшларнинг нафақат билим даражасини ошириш, уларнинг онгу тафаккурини теранлаштириш, касбга бўлган қизиқишларини янада орттириш, балки келажакда соҳасининг етук мутахассиси бўлиб етишишларига кўмаклашиш мақсадлари қамраб олинган.

Фестивалнинг иккинчи босқичи жорий йилнинг 14 май куни «Ёшлар ижод саройи» да ташкил этилди. Унда шахримиздаги 32 та олий таълим муассасаларининг кўргазмалари уюштирилди ва пойтахтимиздаги 120 та ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларидан 5 мингдан зиёд ёшларнинг иштироки кўзда тутилмоқда. Тадбир доирасида меҳнат ярмаркалари ташкил этилиб, кўпгина корхона ва ташкилотлар томонидан бўш иш ўринлари намойиш қилинади.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА
СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар
Ислом Исмоилов олган суратлар

Спорт янгиликлари

ЁШ ПАХТАКОРЧИЛАР ЗАФАР ҚУЧИШДИ

Шаҳримизда 1999 йилда туғилган ўсмирлар жамоалари ўртасида футбол бўйича республика турнири уюштирилди.

Унда пойтахтимиздан ва бошқа вилоятлардан келган 12 та жамоа совринли ўринлар учун кураш олиб борди.

Турнирда пухта тайёргарлик қўриб бошқа жамоаларни мағлуб этган «Пахтакор» ва «Бунёдкор» жамоалари финалда бош соврин учун ўзаро баҳс олиб боришди.

Учрашувни кўтаринки руҳда, сермазмун ўтказган пахтакорчилар рақибларини 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб бош соврин эгаси бўлишди. Фахрли учинчи ўрин Республика олимпия заҳиралари коллежи жамоасига насиб этди.

Яқунда ғолиб ва совриндорлар тақдирланди.

РЕЙТИНГ НАТИЖАЛАРИ

Халқаро шахмат федерацияси — ФИДЕ томонидан дунёдаги энг кучли шахматчиларнинг янги рейтинг жадвали эълон қилинди.

Унга кўра ҳамюртимиз собиқ жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов 46-погонани банд этди.

Рейтинг жадвалида амалдаги жаҳон чемпиони Карлсон карвонбошилиқ қилмоқда.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Ўзбекистон Бадий академиясининг Иқо Хирояма Халқаро маданият карвон саройида ёзувчи Нодир Норматовнинг «Товқа кўрғони» номидаги фотокўргазмаси очилди. Кўргазмага намоён этиш учун қўйилган 30 дан ортиқ фотосуратларда Товқа кўрғонининг бутуни ва кечаси ҳақида ҳикоя қилинади.

Кўргазмалар

МАДАНИЙ МЕРОСИМИЗНИНГ БЕТАКРОР НАМУНАЛАРИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Ўзбекистон Бадий академиясининг Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси Нодир Норматов 1950 йилда Сурхондарё вилояти, Шеробод туманидаги Пошхўрд қишлоғида таваллуд топган. Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетида тахсил олган. У кўплаб романлар, ҳикоялар, қиссалар муаллифи. Н.Норматовнинг сценарийлари бўйича санъат арбоблари ва усталарига бағишланган ҳужжатли фильмлар суратга олинган. Қатор шахсий фотокўргазмалар муаллифи.

Кўргазманинг очилишида намоён қилинган, Н.Норматов сценарийси асосида суратга олинган «Товқа» деб номланган ҳужжатли фильмда кўрғоннинг

ноёб иншоотлари, деворий суратлар ва бошқа турли ёдгорликлар ўз аксини топган. Экспозициядан муаллиф томонидан тасвирга туширилган «Товқа кўрғонидаги булок», «Тошдаги дарахт», «Товқа кўрғони. Этнод чизиш» каби қатор фотосуратлар ҳам ўрин олган.

Кўргазманинг очилишида уюштирилган давра суҳбатида катнашган таниқли расомлар ва бошқа ижодкорлар ўзларининг чиқишларида таъкидлаганларидек тарихимиз, қадриятларимиз акс этган ҳужжатли фильм, экспозициядаги фотосуратлар маданий меросимизни асраб-авайлашга, тарбиявий ишларда хизмат қилади.

Хусан ДОВУДБЕКОВ
Алексей Попов олган сурат

Қатрлар

КЎПДАН АЖРАБ...

Машина йўлда елдек еларкан, мотор севинчидан қизишиб сувлари қайнайди.

— Мен турганда баллон, педальнинг хизмати учкунчалик, — дейди мотор.

Гоҳ текис, гоҳ ғадир-будур йўлларда ззилиб юраётган баллонга моторнинг

сўзи ўлганнинг устига тепгандек бўлди.

— Аҳволнинг кўрама, — дейди балон ва «пис-с-с»лаб букчади.

— Машина олдинга жилолмай тўхтади. Моторнинг овози бузуқ.

Жаҳл-ла заҳар тутунини буркситиб тариллайди. Борлиқни ларзага

солгани билан қоши эди, машина олдинга силжиса!

— Ерга қапишиб ётган эски баллон ўрнига ишга ўтган янги юрагини бўшатади: — Кўп бурксий-верманг, ўртоқжон. Тўғри, сиз ҳам кераксиз.

Биз ҳушёр бўлиб турмасак оёққа,

Биздан ажраб борардингиз қаёққа?

ТОШГА ҚИЁСЛАМАНГ

Бировни тоғдек ғам эзса ҳам заррача ачинмайдиган одамни тошмехр деб, тошга қиёсламанг, азизим.

Сиз атаган тошмехр киши қишда ҳам бирдек, баҳорда ҳам бирдек, ёзда ҳам бирдек, кузда ҳам бирдек, кўнгли доим муз. Табиатга ҳам, одамга ҳам бефарқ. Тош-чи? Киш совуғидан тез музлайди. Баҳор куёши-

дан илийди. Ёзда қизиқ, кузда совийди. Фасллар билан кўпдан буён гўё қадрдонлардек. Табиатга бефарқ эмас. Демак, инсонга ҳам бефарқ эмас.

Бемехр одамни тошмехр деб, тошга қиёсламанг, азизим!

Ғани АБДУЛЛАЕВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент Молия институти «Информацион-коммуникацион технологиялар» кафедраси мудири ва қуйидаги кафедралар бўйича бўш (вакант): «Чет тиллари» катта ўқитувчи, ўқитувчи(ассистент); «Бюджет ҳисоби» профессор, доцент, катта ўқитувчи; «Бизнес ва тадбиркорлик» доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи(ассистент); «Молия» доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); «Лойиҳаларни молиялаштириш» доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); «Минтақавий иқтисодиёт» доцент; «Банк иши» профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); «Информацион-коммуникацион технологиялар» доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); «Фалсафа ва Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» доцент, катта ўқитувчи; «Касбий таълим» доцент, катта ўқитувчи; «Молия бозори ва қимматли қозғолар» доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); «Жисмоний маданият ва спорт» катта ўқитувчи; «Банк ҳисоби ва аудит» профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); «Менежмент ва маркетинг» доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); «Молиявий менежмент» профессор, доцент, катта ўқитувчи; «Молиявий таҳлил» доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); «Иқтисодиёт назарияси» доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); «Ўзбекистон тарихи» доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); «Ўзбек ва рус тиллари» катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); «Олий ва амалий математика» катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); «Статистика» катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); «Бухгалтерия ҳисоби» доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); «Аудит» доцент, катта ўқитувчи; «Солиқлар ва солиққа тортиш» доцент, катта ўқитувчи; «Ғазначилик иши» доцент, катта ўқитувчи лавозимларида

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловда фан номзодлари ва докторлари, профессорлар, доцентлар ва тажрибали ўқитувчилар иштирок этишлари мумкин. Танлов муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Танловда катнашишни хоҳловчилар Тошкент шаҳри, А.Темур шоҳ кўчаси, 60-ўй, ТМИ ходимлар бўлимига мурожаат қилишлари мумкин.

Тел. 234-83-99
358-84-08

Ректорат

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ очик аукцион савдоларига тақлиф этади!

«Capital Realtor Group» МЧЖда 2014 йил 17 июнь куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган объект бошлангич нархи ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Юнусобод туман СИБ томонидан, ЖИБ Миробод туман судининг 2013 йил 11 март кунги 1-26-2013-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 18-мавзе, 31-ўй, 38-хонадада жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 31,81 кв.м. бўлган уй-жой. Бошлангич нархи — 50 080 000 сўм.

2. Яққасарой туман СИБ томонидан, Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2014 йил 21 апрель кунги 10-1314/7989-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Шота Руставели кўчаси, 2-Вагон тор кўчаси, 1-уйда жойлашган, умумий ер майдони 333 кв.м., қурилиш ости майдони 196 кв.м. бўлган омборхона ва ишлаб чиқариш цехи. Бошлангич нархи — 130 000 000 сўм.

2014 йил 3 июнь куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган очик аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар тақдоран қўйилмоқда:

1. Мирзо Улуғбек туман СИБ томонидан, Тошкент вилоят хўжалик судининг 2013 йил 14 ноябрь кунги 11-1306/8829-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар:

1. Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Шароф Рашидов кўчаси, 42-уйда жойлашган, умумий ер майдони 451 кв.м., қурилиш ости майдони 308,56 кв.м. бўлган маъмурий бино ва қоровулхона. Бошлангич нархи — 220 000 000 сўм.

2. Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Шароф Рашидов кўчаси, 42-уйда жойлашган, умумий ер майдони 1221 кв.м., қурилиш ости майдони 997,31 кв.м. бўлган омборхона биноси. Бошлангич нархи — 480 000 000 сўм.

II. Чилонзор туман СИБ томонидан, фуқаролик ишлари бўйича Уттепа туманлараро судининг 2014 йил 6 январь кунги 1-5241/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Муқимий кўчаси, 106-ўй, 2-хонадада жойлашган, умумий майдони 36 кв.м. бўлган дўкон. Бошлангич нархи — 85 000 000 сўм.

Юқоридеги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижро-чилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳафтанинг расмий иш кунлари соат 10:00 дан 18:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш кунли қолганда соат 17:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида катнашиш истагиде бўлган талабгорлар кўчмас мулк бошлангич баҳосининг 10% миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Capital Realtor Group» МЧЖнинг «Капиталбанк» ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: № 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбег кўчаси, 18-ўй. Телефон: 250-19-24. Лицензия: № RR-0017.



даража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида

Тошкент шаҳрида кўра, 9 майда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг сақланиб қолишига имконият яратмоқда, таг-19, кундузи — 30-32 миқдори паст бўлади.

Тошкент Оқшоми

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz

ТЕЛЕФОНЛАР: Ёшлар 233-28-95, факс: (371) 232-11-39

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқиди

Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рухсатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 12091 нусхада босилди.

Қозғол бичими А-2

Нашриет етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларида ёки «Тошкент почтаамти»га — 233-74-05 телефониға мурожаат қилишнинг мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Нашр учун масъул Д. Исроиллов

Тошпириш вақти: 13.00

Босишга тошпирилди: 14.40